

Юлдуз ЖАЛИЛОВА

ОРЗУ

(Шеърлар)



«Истиқлол»
Тошкент
2012

УДК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

Ж 21

Ушб. ағаб.

Адабиётнинг машаққатли йўлидан дадил одимлаб бо-
раётган самарқандлик қаламкаш Юлдуз ЖАЛИЛОВанинг илк
машқлари китобхонларга «Юлдузлар жилваси» тўплами ор-
қали яхши таниш.

Қўлингиздаги китобчага Юлдузнинг янги шеърлари
жамланган.

313/14 A1065	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
-----------------	--

Ю 40629
091

ISBN 978-9943-308-51-0

© «Истиқлол нашриёти», 2012 й.

ЮЛДУЗНИНГ МАҲОРАТ МАКТАБИ

Ҳар бир кишининг қалбида адабиётга ҳавас-мандлик бор. Қисқача айтганда, дилида жўш урган ҳис-ҳаяжонини юзага чиқариш, уни ким биландир баҳам кўриш эҳтиёжи туфайли инсон кашфиётга қўл уради. Натижада бадий асар — шеър туғилади.

Кўлингиздаги ушбу мўъжаз тўплам муаллифи Юлдуз Жалилова ҳам бу қалб эҳтиёжини қондириш учун мактаб сабоқларидан бўш вақтларида Ватан, меҳнат, она, баҳор мавзуларда қораламалар яратишга қўл урадики, буни 12 яшар қизалоқнинг адабиёт майдони сари қўйган тетапоя қадамлари, деб ҳисоблаш маъқул. Боиси у эндигина 6-синфда ўқияпти. Шу билан бирга турли миқёсдаги кўриктанловларда қатнашиб улгурди.

Бу йил Юлдуз Жалилова иқтидорли болаларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдод ва маҳоратларини намоён қилишлари учун имконият яратиш, ёш авлоднинг маънавий оламини бойитиш, маданий савиясини юксалтириш, санъат ва гўзалликка интилишини кучайтириш, миллий санъат аънаналари ва йўналишларини сақлаб қолиш, ривожлантириш ва давом эттириш мақсадида ҳар йили аънавий тарзда танлов шаклида ўтказиб келинаётган «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивалининг туман ва вилоят босқичларида қатнашиб, биринчи ўринни эгаллади. Яқинда танловнинг республика босқичида адабиёт йўналиши бўйича тенгдошлари билан мусобақалашади.

Демоқчиманки, иқтидорли ёш тинимсиз сабоқ олиш, изланиш, қунт билан тоблаш туфайли юксак мақсадларга эришиши мумкин. Бу йўлда Юлдузга қулай шароитлар яратиб бераётган ота-онаси Сайёра Аввалова, Ирисбой Сатторов, 1-мактабнинг шогирдсевар устозлари Субҳон Фиёсов, Жобир Ортиқов, Моҳигул Ўринова, Робия Каримова, Сожида Бекназарова, Сайёра Умарова, Гулшан Эшонқуловаларнинг хизматини эътироф этмай бўлмайди.

Ю. Жалилова ижодидан намуналар Самарқанд вилоятида чоп этилаётган «Зарафшон», «Маърифат нури», «Қўшчинор» газеталарида мунтазам чоп этилмоқда. У адабиётга қизиқишини сўндирмаса, маҳорат сирларини қунт билан эгаллаверса, келгусида яхши шоира бўлиб етишишига ишончим комил.

Тугалбой МУЗАФФАРОВ,
Тайлоқ туман «Қўшчинор» газетаси
муҳаррири, ёзувчи

Яшнайвер ҳамиша

Гулзорларинг томон бўйлайман,
Жамолинга боқиб тўймайман.
Келажагинг ҳақда ўйлайман
Яшнайвергин доимо, Тошкент.

Сен шодликка тўлгин ҳамиша,
Мен қошингда парвона гунча.
Тургин токи дунё тургунча,
Яшнайвергин ҳамиша, Тошкент.

Боғ-роғларинг мисли чечакдир,
Тоғ ҳавоси кўркам нафасдир.
Олам аҳли сенга ҳавасда,
Яшнайвергин ҳамиша, Тошкент.

Қалдирғоч

Баҳор фасли келар қалдирғоч,
Айвонларда инин қуради.
Ризқу-рўзин излаб даладан,
Ўйимизга меҳмон бўлади.



Болалигим

Беғубор болалик, олтин дамларим,
Унутиб бўларми? Наҳот, унутсам?
Унутишим мумкин шодлик, ғамларим,
Тетапоя бўлганимни наҳот унутсам?
Менга ҳарф ўргатган суюкли устоз,
Сабоғини асло унутолмайман.
Умрим бўйи унга таъзим этсам оз,
Қарзим минг матлаъ-ла уза олмайман.
Онамнинг тунларни бедор ўтқариб,
Бешик тебратганин, оқ сутин ҳаққин,
Маккага қадар ҳам борсам кўтариб,
Оқлаёлмаслигим рост фарзандлик бурчин.
Барисини ризо этмоқлик учун,
Керак: юртга ҳалол хизмат қилмоғим!

Байроғим

Ҳилпирайди кўкда байроғим,
Товланади ранглари доим.
Юлдузлари порлайди ёрқин,
Тўлин ойи беғубор, сокин.
Ярашади ўн икки юлдуз,
Ёғдусидан равшандир кундуз.
Еру кўкни чароғон қилар,
Тинчлик рамзи —
менинг байроғим!



Кўзмунчоғинг бўлай

Мадҳингни куйласам, ожиз қолар тил,
Сендаги чиройга боқиб қувнар дил,
Фурурим, фаҳримсан, азиз масканим,
Кўзмунчоғинг бўлай, Ўзбекистоним.
Маржондек тизилган иншоотларинг,
Юракда битилган ширин сўзларинг,
Ўзлигим, бахтимсан, азиз бўстони,
Кўзмунчоғинг бўлай, Ўзбекистоним.
Қаддинг кўтаравер мисли тоғ қилиб,
Бошингни эгмагин ҳеч ҳам ғам тўлиб,
Сенинг борлигингдан қувончга тўлиб,
Кўзмунчоғинг бўлай, Ўзбекистоним.

Ўзбек қизлари

Оху каби маржон кўзлари,
Қизғалдоқдек яшнар кўзлари.
Иболидир кулгу, сўзлари
Гулдек нозик ўзбек қизлари.
Сўзларидан томар ҳар дам бол,
Чиройига қолар барча лол,
Боқишлари сўрайди савол,
Гулдек лобар ўзбек қизлари.
Қошга энган ўсмани қаранг,
Сурма қўйган кўзлар қирмиз ранг,
Ишга чаққон, саришта, дилбар,
Ўзбегимнинг камтар қизлари.



Ёшлик

Шабнам каби беғубор ёшлик,
Кўз ёшидек мусаффо шодлик.
Атиргулдек муаттар шодлик,
Гўзал ёшлик, бебаҳо ёшлик.
Кўзни очиб-юмгунча ўтар,
Елдек келиб, қуюндек кетар.
Йиллар ойдек, ой кундек ўтар,
Гўзал ёшлик, бебаҳо ёшлик.

Бугдой экдим

Бугдой экдим даламга,
Ризқ-насибам унсин деб.
Дастурхон тўлиб нонга,
Уйим донга тўлсин деб.



Юлдузларга етамиз

Юртим яшнар кун сайин,
Меҳнатимиз туфайли.
Шунинг учун кунда бир,
Ковун сайли, гул сайли.
Бог-роғларни гуллатиб,
Чаманлар яратамиз.
Ўқиб, униб-улғайиб,
Юлдузларга етамиз.

Сув азиз

Ҳар қатраси азиз сув,
У ҳаётнинг манбаи.
Экинларнинг қонидир,
Чаманларнинг жонидир.
Шарқираб оқса сойда,
Кўз қувнар қатрасидан.
Зилол сувда чўмилсак,
Тобланар кумуш бадан.
Мусаффо сув туфайли,
Соғломмиз ва кучлимиз.
Шуни билинг, болалар:
Сувни асраш бурчимиз!



Илм чўқиси

Биз — Ватан фарзандлари,
Элимиз ардоғида.
Оталарнинг паноҳи,
Оналар қароғида.
Бахтли ҳаёт биз учун,
Юртбошимиз тухфаси.
Йўлимизни ёритар —
Маърифатнинг зиёси.
Аъло ўқиш — бурчимиз,
Илм чўққисин забт этиб.
Ўшанда балки қолар —
Бошимиз кўкка етиб...

Баҳор келди

Увада булутлар кезар осмонда,
Шамол тўзғитади пахмоқларини.
Юлдузлар совуқдан жунжиккан онда,
Ёқар гулдуракли чақмоқларини.
Ёмғир ёға бошлар заминга бирдан,
Анҳорларда сувлар тўлиб-тошади.
Кўзи-улоқчалар ошиқиб қирдан,
Панага — кўтонлар сари қочади.
Майсалар эриниб кўтаради бош,
Теварак товланар кўркам рангларда.
Камалак ортидан мўралар Қуёш,
Борлиқ яшаради куй-оҳанглардан.
Фунчалар қувончда лаб очган маҳал,
Булбул гул ишқида чах-чахлаб жўшар.
Кўклам либосларин яшнатиб ял-ял,
Далалар бағрида рақсга тушар.

ОРЗУЛАРИМ

Хаёлларга чўмиб яшайман,
Дилда кўпдир орзу-ҳавасим.
Кувончларга тўлиб яшай мен,
Кўкка етсин янгроқ овозим.
Бир шеър битсам Ватан мадҳида,
Меҳр бўлса бош сарлавҳаси.
Ором билмай юртим ишқида,
Сатрларда чизсам лавҳасин.
Алвон қирлар тилга кирса-ю,
Қизғалдоқлар бош тўлғаса соз.
Хурлиқолар кезиб юрса-ю,
Теварақда ҳукм сурса ёз.
Гавжум бўлса чаман, чорбоғлар,
Ҳаловатсиз учса капалак.
Ёмғир ёғса, яшнаса боғлар,
Кўкка чиқса ёғду-камалак...
Орзуларим адоқсиз, чексиз,
Мен уларга етаман шаксиз!

Кўнглимда йўқ ғам, қадар,
Дилим шодон куйлайди.
Орзуим осмон қадар,
Еру кўкни бўйлайди.
Тезроқ вояга етсам,
Катта ишлар қиламан.
Бирдан бой бўлиб кетсам...
Унда ўзим биламан.
Остонаси тиллодан
Зўр кошона қураман.
Етим (гўдак палладан) —
Болаларга бераман.
Уларга шодлик ато,
Этиш келса қўлимдан —
Мамнун жилмаяр отам,
Онам чиқар йўлимдан.

Отам — суюкли падар,
Камолимни ўйлайди.
Бўйимга ташлаб назар,
Қоматимни ўлчайди.
Орзуим — олам-жаҳон,
Рости, ким бўлсам экан?

Куз манзараси

Учиб-қўнар сарғиш хазонлар,
Дайди шамол тўзғитгани он.
Эшилади оппоқ мезонлар,
Қарсақ чалар япроқлар бежон.
Ҳосилидан бўшаган дала,
Кўтарилар шудгор ҳовури.
Кўкда сузар турналар гала,
Терлаб тўши, бағри-бовури.
Дарахтларнинг қоматлари дол,
Хомуш турар уватларда лол.
Кеч кузакка навбат етишди,
Ёз навқари қочиб кетишди.



ҚИШ

Олпоқ капалак мисол,
Ўйнаб ёғаётир қор.
Мунғайиб ўйлар ҳилол:
«Баҳорга ҳали вақт бор».
Дала-тузлар сокин, жим,
Қор кўрпаси қалиндир.
Қаҳратоннинг совуғи,
Изғиринда билинди.
Печкага ўтин ёқиб,
Ўйни иситди бобом.
Тарновдан музлар оқиб,
Эриб кетаётир том...

МАКТАБИМ

Мактабим, жон, мактабим,
Сенсан жонажон мактабим.
Илму фан сарчашмаси,
Гулларга консан, мактабим.
Нечалаб устоз-муаллим,
Дарс ўқитди эркалаб:
«Илм олишга дилни боғла,
Хоҳи кеч, хоҳи эрталаб».
Бул ўғит қолди дилимда,
То ҳануз ёнган чироқ.
Устозим тутиб қўлимдан,
Берган эрди шул сабоқ.



Ўзингдан ахтар

Юз ўгирса сендан одамлар агар,
Сабабини аввал ўзингдан ахтар.
Феълу атворингдан, заҳар тилингдан,
Бемаъни, қўланса сўзингдан ахтар.

Кунлар

Ўтар соат, кетидан кунлар,
Қайтмас бўлар ширин лаҳзалар.
Минг қўмсаманг, барибир келмас,
Ўша дамлар, биз кутган дамлар.
Ғам-кулфатдан, ғурбатдан қочинг,
Дариф тутманг, меҳрингиз сочинг.
Дардларингиз ичга ютмасдан,
Дилингизни дўстларга очинг.



МУНДАРИЖА

Юлдузнинг маҳорат мактаби.....	3
Яшнайвер ҳамиша.....	5
Қалдирғоч.....	5
Болалигим.....	6
Байрогим.....	6
Кўзmunчоғинг бўлай.....	7
Ўзбек қизлари.....	7
Ёшлик.....	8
Бугдой эқдим.....	8
Юлдузларга етамиз.....	9
Сув азиэ.....	9
Илм чўққиси.....	10
Баҳор келди.....	10
Орауларим.....	11
Куз манзараси.....	12
Қиш.....	13
Мақтабим.....	13
Ўзингдан ахтар.....	14
Кунлар.....	14

84(5У)7
Ж 21

Жалилова, Юлдуз.
Орзу: шеърлар / Ю.Жалилова. – Тошкент: Истиқлол,
2012. – 16 б.

УДК: 821.512.133-1
КБК: 84(5У)7

Адабий-бадиий нашр

Юлдуз ЖАЛИЛОВА

ОРЗУ

(Шеърлар)

Тошкент — «Истиқлол» — 2012 й.

Муҳаррир *Феруза Раззоқова*
Рассом *Хусниддин Ёқубов*
Мусаҳҳиҳ *Наргиза Жаббор қизи*
Саҳифаловчи *Суннат Пулатов*

Нашриёт лицензияси А1 № 217, 05.08.2012 й.
Босишга рухсат этилди 27.11.2012 й. Таймс Тад гарнитураси.
Бичими 84×108 1/32. Ҳажми 1,0 б.т. Офсет қоғози. Адади 100 нусха.

«Istiqlol» нашриёти,
Тошкент ш., 100129, Навоий кўчаси, 30-уй.

«Istiqlol nashriyoti» матбаа бўлимида чоп этилди.
Тошкент ш., 100129, Навоий кўчаси, 30-уй. Буюртма № 79.